

Ибн Мискавайҳнинг рационалистик ахлоқи.

Расулова Нилуфар ТИУ

стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси

Ибн Мискавайҳни тўлақонли тушуниш учун унинг таълимотларидан бохабар бўлиш лозим. Бу мутафаккир Ўрта асрлар шароитида ахлоқ ва унинг келиб чиқиш асосларини ўрганган ислом мутафаккири саналади. Уни, аввало, инсон ва унинг асл моҳияти қизиқтирган. Ибн Мискавайҳ соф идеалистик қарашда инсонни талқин этиб, моддийонча назарияларга тўхталмайди. Унинг назарида инсон бу – барча ишларга қодир ягона Худонинг бу дунёдаги ўринбосаридир. У дунё деганда, албатта, ҳозир инсоният яшаб турган Ер сайёрасини назарда тутган. У ҳам бошқа замондошлари каби ўрта асрлар шароитида бошқа сайёраларни ёруғлик манбаи ёки оламга безак берувчи манбалар сифатида тушунган. Бошқача қилиб айтганда, бошқа барча сайёралар Худонинг амри билан йўқликдан борлиққа чиққан ёруғлик манбаларидир.

Ибн Мискавайҳ фикрича, фаровонлик ва бахт-саодат ҳақидаги тушунча объектив бўлиб, у барча инсонлар учун тегишлидир. Ўз навбатида, файласуф Ибн Мискавайҳ дунёқарашининг шаклланишида асосий рол ўйнаган қадимги дунё файласуфлари – Демокрит, Платон, Аристотель ва Плотинлар бўлганлигини таъкидлаш ўринлидир. Чунки Ибн Мискавайҳ ўзининг ахлоқ ҳақидаги асари «Таҳзиб ал-ахлоқ» (“Ахлоқни сайқаллаштириш”) ни ёзишда ана шу қадимги мутафаккирларнинг фикрларига таянган эди. Чунончи, инсоннинг асосий хусусияти ҳисобланган жон ва унинг таркибий қисмлари тўғрисидаги қарашларини Платондан ўзлаштирган. Ибн Мискавайҳда ахлоқийликнинг шарт 4 та асосий фазилатда ўз ифодасини топган. Бу тушунчалар Платоннинг ахлоқий қарашларини ифода эттирган омиллар ҳисобланади.

Бироқ Платондан фарқли равишда мутафаккир фикрича, барча инсоний фазилатлар муайян бир индивидда мужассам бўлиши мумкин. Қадимги давр файласуфи Платон ва бошқа файласуфларда донишмандлик мутафаккиргагина хос бўлиб, улар давлатни бошқаришлари ва ҳокимиятга эгалик қилишлари, мардлик эса, жангчи ва қўриқчиларга хос фазилат бўлиб, улар мамлакатнинг таянчи ва қўриқловчилари бўлишлари, ҳаё ва сабр бўлса, ҳунармандлар ва деҳқонларга хос фазилат бўлиб, улар жамиятга керак бўладиган барча маҳсулотларни етиштириб беришлари, шунингдек, адолат тушунчаси барча учун умумий бўлиб, унга барча ўз соҳасидан келиб чиқиб амал қилиши ҳақида уқтирилган. Ибн Мискавайҳнинг ахлоқ борасидаги концепциясида бу категориялар бутунлай бошқача талқин этилади. Донишмандлик, ахлоқий софлик, мардлик ва адолат барча учун объектив умумийлик ҳисобланиб, унга барча эришиши мумкин, деб қаралган.

Ибн Мискавайҳ таълимотига кўра, Худо оламнинг, умуман, ранг-барангликдан иборат бутун борлиқнинг бош негизидир. Ҳамма нарсанинг илдизи Унда, чунки ҳамма нарса бош сабаб сифатида Ундан келиб чиқади ва охирги мақсад сифатида унга интилади. Худо – биринчи ва сўнгги сабабдир, яъни оламнинг сабабкори ва мақсадидир. Унинг таълимотида Худо чексиз, барҳаёт, табиатдан устун турувчи, яратилмаган шахсият воқеийлиги сифатида англанади. Худо Ўзидан ташқаридаги ҳамма нарсани яратган, бутун борлиққа нисбатан трансцентдентдир (ҳар қандай тажриба доирасидан ташқарида), шу билан бирга, у оламдаги таъсирчан иштирокини сақлаб қолади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ибн Мискавайҳ софистларнинг релятивистик ахлоқига қарши чиқади. Чунки Худо барча нарса ва мавжудотларнинг яратувчиси ва ягона сабабкори бўладиган бўлса, бахт-саодат ҳам мутлақ кўринишда мавжуддир. Мутафаккирнинг нуқтаи назарича, мутлақ бахт-саодат донишмандликдадир. Билим ва унга интилиш инсониятнинг асл моҳиятини ташкил қилади. Ибн Мискавайҳнинг рационализми ҳам худди шу тезисда кўзга ташланади, яъни инсон инсон бўлганлиги учун ҳам фақат билим олиш воситасидагина олий бахтга

эришади. “Нафснинг ўзига хос бўлган феъллар, яъни илмлар ва маърифатга рағбат билдириши ҳамда жисмгагина хос бўлган феъллардан узоқ бўлиши нафс учун фазилат саналади. Зеро, инсоннинг ушбу фазилатни талаб қилиши, унга мушток бўлиши эса унинг учун фазилат саналади”¹.

Шунингдек, мутафаккир трансцендентал дунё билан трансцендент (ғайритабиий) дунёнинг фарқли эканлигини таъкидлайди. Инсонлар адолат ёрдамида бу фоний дунёда тўғри яшашса, у боқий дунёда ҳам ҳузур-халоват топади. Инсонларни фазилатлардан тўсиб қўядиган турли машаққатли ишлар – бу танага хос бўлган ҳолатлар, ҳиссиётлар ва шу каби бошқа нарсалардир. Биз фазилатларни фақатгина нафсларимизни фазилатларнинг зидлари бўлмиш разолатлардан тозалаб олганимиздан кейингина қўлга киритишимиз мумкин. Бинобарин, бу разолатлар нафснинг жисмоний хоҳиш-истаклари, ҳайвонларга хос бўлган номаъқул интилишларидан иборатдир². Инсондаги жон (жон инсон танасига кирмасдан олдин руҳ эди, тана билан бирлашгандан кейингина у жон деб аталади) илоҳий оламдан нозил бўлган номоддий унсур ҳисобланиб, инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқланиб туришини таъминлайди.

Моддадан покланиш Ибн Мискавайҳ фалсафасида шундай маънога эгаки, унда инсон ўз зеҳнини (онгини) шундай даражада сайқаллаштириши керакки, бундан кейин уни ҳеч қандай моддий унсур ўзига жалб қилолмасин ва унинг барча заррача ва қисмлари юқоридаги олам томон тўпланиб, доиравий шаклдаги ҳаракат билан бир-биридан ажралиб турувчи мавжудотлар чегарасини босиб ўтиб, қудратли вужуд нуқтаси бўлган биринчи сабаб томон юзланиши зарур.

Бироқ мутафаккир Худо чексиз айланиб турувчи самовий доирани яратиб, барча мавжудотларнинг табиий ривожланишини таъминлаб қўйган, деган фикрни илгари суради. Унга мувофиқ, инсонда ирода эркинлиги мавжуд. Инсонга хос бўлган ихтиёрий ишлар яхшиликлар ва ёмонликларга

¹ Мискавайҳ Абу Али. Таҳзиб ал-ахлоқ. Байрут: Мактабат ал-хаёт, 1961. -Б. 3.

² Ўша асар. -Б. 4.

бўлинади. Демак, бирон-бир инсон башариятнинг яратилишидан кўзланган мақсад сари интилса, албатта ўша мақсадни англаб етади. Яхшиликлар кундалик ҳаётда инсоннинг ихтиёри ва саъй-ҳаракатлари, унинг хулқ-атвори натижасида ҳосил бўладиган ҳодисалардир, ёмонликлар эса инсоннинг мана шу яхшиликлардан ўз ихтиёри ва саъй-ҳаракати ёки дангасалиги ва эътиборсизлиги билан узоқлашиши натижасида келиб чиқадиган ҳодисалардир³. Мана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, инсон ўз ахлоқини яхши ёки ёмон тарафга ўзгартириши мумкин. Ибн Мискавайх шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ахлоқнинг туғма ва табиий эканлигига қарши чиқади. Унингча, ахлоқ инсон томонидан ўзлаштирилиши ва сайқаллаштирилиши мумкин. Шунингдек, мутафаккир ахлоқни соф индивидуал ҳодиса сифатида олиб қарамайди, балки ахлоқни ижтимоий ҳодиса сифатида баҳолайди. Ваҳоланки, жамиятдаги индивиднинг ахлоқи, атрофини қуршаб турган кишиларнинг оқлашлари ва қоралашлари жараёнида шаклланади. Демак, ҳар бир индивид ўзга кишилар билан гўёки тананинг аъзоларидек бўлиши ҳамда қолган барча аъзоларни мукаммал қилиш ҳақида қайғуриши лозим. Агар нафснинг бу ҳолатига ва унинг қувватларига эътибор билан қаралса, уларнинг уч қисмга бўлинишини билиб олиш мумкин. Яъни, улардан бири фикр, ажралиб туриш ва ҳодисаларнинг асл ҳақиқатларини мушоҳада қилиш қуввати бўлса, иккинчиси ғазаб, жасурлик, ёмон ҳолатлардан чиқиб кетиш, интилиш ва кўтарилишга иштиёқманд бўлиш қувватидир. Учинчиси эса, шон-шуҳрат, егуликларни излаш, егуликлар, ичимликлар ва бошқа нарсалардаги лаззатларга иштиёқманд бўлиш, ҳиссий лаззатларга интилиш қувватидир. Мана шу уч қисм бир-биридан ажралиб туради. Бундан маълум бўладики, улардан бири кучли келса, иккинчисига зарар келтириши мумкин, бир қувват иккинчи қувватнинг ишини бузиб қўйиши мумкин. Бинобарин, мана шу қувватлар бир неча нафсларда ёки битта нафснинг ўзида мавжуд бўлиши мумкин.

³ Мискавайх Абу Али. Таҳзиб ал-ахлоқ. Байрут: Мактабат ал-хаёт, 1961. -Б. 3.

Ибн Мискавайх шундай ҳолатга алоҳида урғу бериб, ахлоқнинг шаклланиши ва сайқал топишида ижтимоий онг билан бир қаторда индивидуал онгнинг муҳимлигини кўрсатиб беради. Ҳар бир индивид, жамият ёки жамият аъзолари ишлаб такомиллаштирган ахлоқ меъёрларини ўзлаштириб олиши ва пировардида мукамалликка эришиши мумкин. Ушбу ҳақиқатга таянган мутафаккир ахлоқ ва уни сайқаллаштиришга уриниб, бу борадаги билимни амалий фалсафа сифатида баҳолайди. Юқоридаги қувватлардан бири характер, одат, тарбияга қараб ёки кучли, ёки заиф бўлиши мумкин.

Ақл қуввати малакавий қувват ҳисобланиб, унинг бадан аъзолари ичидан фойдаланадиган манбаси миядир.

Ҳис-туйғу қуввати ҳайвонларга хос қувват ҳисобланиб, унинг бадан аъзолари ичидан фойдаланадиган манбаси жигардир.

Ғазаб қуввати эса, ваҳший қувват ҳисобланиб, унинг бадан аъзолари ичидан фойдаланадиган манбаси қалбдир. Шунинг учун ҳам ушбу қувватлар бир неча адад бўлганлиги боис, фазилатлар ҳам бир қанча бўлишлиги шарт ҳисобланади⁴. Ибн Мискавайх билимни ҳақиқий ва ҳақиқий бўлмаган турларга ажратади. Аммо қайси билимлар ҳақиқий, қайси билимлар ҳақиқий эмаслиги ҳақида тўхталмаган. Унинг мукамал концепциясидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, у ҳақиқий билимлар деганда, инсонга фоний дунёда ҳам, боқий дунёда ҳам наф келтирадиган билимларни назарда тутган. Қачонки, ақлли нафснинг ҳаракати ўз зотидан ташқарига чиқмайдиган ҳамда мўътадил бўлса, унинг иштиёқи шубҳали билимларга эмас, балки ҳақ билимларга йўналтирилган бўлса, ундай нафсда илм фазилати ва ундан кейин эса ҳикмат мужассам бўлади. Қачонки, ҳайвоний нафснинг ҳаракати ақлли нафс учун бўйсунувчан, мўътадил, турли ҳою-ҳавасларга берилиб кетмайдиган бўлса, ундай нафсда ахлоқий софлик, кейин эса сахийлик ва олийжаноблик мужассам бўлади. Қачонки, ғазабий нафснинг ҳаракати ақлли нафс учун эргашувчан, мўътадил ҳамда кераксиз жойларга бурилиб кетмайдиган,

⁴ Мискавайх Абу Али. Таҳзиб ал-ахлоқ. Байрут: Мактабат ал-хаёт, 1961. -Б. 9.

лозим бўлганидан ҳам кўпроқ нарсаларга иштиёқманд бўлмайдиган бўлса, ундай нафсда ҳалимлик фазилати, кейин эса шижоат фазилати мужассам бўлади. Кейин эса ушбу учта фазилатдан нафснинг камолоти ва мукамаллиги бўлмиш бир фазилат мужассам бўладики, у адолат фазилати деб аталади. Шунинг учун ҳам фазилатларнинг турларини тўрт қисмга бўладилар. Улар ҳикмат, ахлоқий софлик, шижоат ва адолатдир.

Эътиборли томони шундаки, Ибн Мискавайҳ ақидасига кўра, инсондаги ақл қувватигина тажриба ёрдамида ҳосил қилинадиган қувват ҳисобланади. Демак, инсон ақли ўз онгли ҳаётида мобайнида ўзлаштирган. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, инсон улкан табиий тадрижий ривожланишнинг охирига натижасидир.

Ибн Мискавайҳнинг ахлоқий рационализмининг асосий ўзагини ахлоқнинг ақлга ва илмга суяниши ташкил этади. Ахлоқ эса, ижтимоий ҳодиса сифатида айнан жамият учун зарурлиги уқтирилади. Шу билан бирга, ахлоқни сайқаллаштирган индивид ўзида бурч, масъулият, виждон каби ахлоқий категорияларни ҳам кашф этади. Ҳолбуки, барча ахлоқий категориялар инсонда ахлоқ мукамал даражада сайқал топгандан кейингина, бутун бўй бабини намоён қилади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ибн Мискавайҳ ахлоқни шунчаки тадқиқ қилиб қолмасдан, балки бу борада у янада такомиллаштириш мақсадида «Таҳзиб ал-ахлоқ» («Ахлоқни сайқаллаштириш») асарини ёзиб, ҳар қандай индивид ўз ахлоқини билим ва тажрибалар ёрдамида яхши томонга ўзгартириши мумкинлигини илмий жиҳатдан асослаб берган. Ислом динида (умуман барча динларга хос) ахлоқни тушунтириш ва уни сайқал топтириш учун нақлий билимларнинг ўзи етарли ҳисобланади. Бироқ Ибн Мискавайҳ ақлий билимларга таяниб, рационализм ва инсон ақлининг қувватлари бўйича тадқиқот ўтказди. Яъни инсон индивид сифатида трансцендентал дунёда ҳам мавжуд. Шундай бўлгач, индивид онгли равишда бу фоний дунёнинг масала ва муаммоларини ақл ёрдамида ҳал қилиши керак.

Шу нуқтаи назардан инсонлар бир-бирларидан фарқланадилар. Энг билимли одамларнинг онги ва даражаси юқори бўлади. Инсонларни бир-биридан ажратиш учун бундан бошқа омил бўлиши мумкин эмас. Ибн Мискавайҳ ўрта асрлар шароитида билимнинг қуввати ва салоҳиятига ишониб, уни инсон ҳаётининг мезони қилиб белгилаган эди. Зотан, билим воситасида инсон ўзидаги табиий камчилик ва нуқсонларни бартараф қилиши мумкин. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, табиат берган хулқ ва ахлоқда ҳам қандайдир камчиликлар бўлиши мумкин. Бироқ ўша камчиликларни инсон билим воситасида тузатиши ва такомиллаштириши мумкин. Мана ша жиҳатдан Ибн Мискавайҳнинг рационалистик ахлоқи жамиятдаги ҳар бир индивидга ўзининг имкониятларини ижобий йўналишга йўналтириш мумкинлиги ғоясини беради. Ҳолбуки, инсон – шахс жамият, маҳсулидир. Жамият эса, инсонларнинг онгли равишдаги уюшмасидир.